

БАДИЙ АДАБИЁТНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИНГ АҲАМИЯТИ

Хусниддин Норкулович СУВАНОВ

ўқитувчи

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

hsuvanov@tersu.uz

Аннотация

Мақолада миллий колоритнинг тарихий-миллийликни англатувчи миллий тил, урф-одатлар, кийиниш маданияти ва миллий таомларда акс этиб, бадий асарларда намоён бўлиши ёритилган. Колоритнинг нутқда катта аҳамият касб этиши ва уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: бадий адабиёт, пейзаж тасвири, тил, миллий колорит, миллий рух, таржима, тарихий ва миллий колорит.

ЗНАЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ПЕРЕВОДЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Хусниддин Норкулович СУВАНОВ

преподаватель

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

hsuvanov@tersu.uz

Аннотация

В статье освещаются такие вопросы колорита, как означающий историко-национальную принадлежность национальный язык, национальные обычаи, культура национального костюма, его отражение в национальных блюдах. Раскрывается большое значение колорита в речи и его особенности.

Ключевые слова: художественная литература, пейзажный образ, язык, национальный колорит, национальный дух, перевод, историко-национальный колорит.

Адабиётшуносликнинг объекти бадий адабиёт, бадий адабиётнинг таянчи эса борлик, коинот. Адабиётшунослик бадий асар моҳияти билан боғлиқ масалаларни ўрганadi. Унда ҳам маълум қоидаларга амал қилиниши лозим бўлади. Бугунги ёшлар адабий жараёнда фаол. Бугунги адабий жараёнга муносабат билдираётган адабий танқидчиликнинг аҳволи қандай? Ўзбек адабий танқиди қачон ўзининг вазифасини тўлақонли ва тугал равишда бажаради? Қачонки, бир неча холис танқидчиларнинг фикрлари мос келса ва бадий асарнинг моҳияти очилса, адабий танқид ўз вазифасини тўлиқ бажариши мумкин. Бугун ёш нуқтаи назаридан ёшларнинг ижодига эътибор

киладиган бўлсак уларнинг ҳам сафи кенг. Қисса, эссе, асосан, ҳикоячиликда: Анвар Суён, Санжар Турсун, Нурулла Чори, Жасур Кенгбой, Сарвар Тўра, Холиёр Сафаров, Умид Али, Биби Робия Саидова, Наргиза Асадова, Шерзод Ҳалил, Аслиддин Мустафоев, Гулноз Мамарасулова, Акмал Муродларнинг чиқишлари кузатиляпти. Уларнинг баъзи асарлари ҳақида фикр юритсак.

«Ёшлик» журналида шу ижодкорларнинг насрий асарлари чоп этилган бўлиб, уларга бир вақтнинг ўзида учта ижодкорнинг муносабати билдирилган. Ёшларнинг ўз тенгқурлари ижодига мактуб шаклида билдирган муносабатлари ҳам танқиднинг бугунги адабий жараёндаги бир кўриниши деб дадил айтса бўлади. Бироқ ҳозирги адабий жараёнда қуйидагилар кузатилади.

1. Энг яхши насрий асарлар.
2. Энг саёз насрий асарлар.
3. Энг яхши таассурот ва мактуб-мақолалар.
4. Энг савияси паст таассурот ва мактуб-мақолаларга муносабат.

Бугун адабий жараёнда ўз ўрнини топиш учун насрда ўқимишли асар ёзишга уринаётган ва қалами бирмунча чархланган ижодкор Анвар Суён ижоди ҳақида фикр юритсак. Унинг «Ғўбдинтоғ ҳикоялари» номли насрий китоби ўз ўқувчиларини топиб улгурди. Ҳар қандай ёзувчи асарларида туғилиб ўсган макон, она юрт мадҳ этилар экан албатта, унда биографик рух, биографик кайфият устунлик қилиши тайин. Назаримда, ҳикоя назарий жиҳатдан тасвирнинг кўлами ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг асосан бир киши томонидан олиб борилиши жиҳатидан бошқа эпик турлардан ажралиб туради. Ёзувчининг «Ота ва ўғил» ҳикоясида эса ота ва ўғилнинг оддий ҳаёти анча жонли, ҳаётий, типик ифодаланганлигини кузатамиз. Бунда табиат тасвири образлар онгига кўчиб, ажиб бир уйғунлик касб этади. Ҳикояга замон нуқтаи назаридан разм солсак, воқеа тушгача ва туш арафасида бўлиб ўтади. Асарда муаллиф ота ва ўғилнинг нутқида шева сўзларидан фойдаланган ва бу ҳикоянинг таъсир кучини оширган. Лекин ҳикоячи нутқида диалектик унсурларнинг асарга сингдиришга уринилиши баъзи ўринларда ўзини оқламайди. «Хаёл халтакўчаси, ангарнинг беткайлиги,

қиялама, тиккайиб, шовир чиқаради, чапга сал энишиб» каби ҳикоячи нутқидаги сўзларда худди шу фикримиз ўз тасдиғини топади. Бу мулоҳазалар билан ҳикоя ўз бадий қимматини йўқотмайди.

Фикримизча, Анвар Суюн ҳикоянинг жанрий хусусиятларини чуқур англаб, табиат тасвирини биринчи ўринга қўйиб, кенг фикр юритиши ҳикоянинг ўқимишли бўлишини таъминлаган. Аммо бадий асарнинг қийматини вақт белгилайди. Назаримизда, бу ҳикоя анча залворли. Ёш ёзувчи Жасур Кенгбоев Анвар Суюн ижодига «Ҳар бир авлоднинг ўз мавзуси бўлади» номли мактубот мақоласида муносабат билдириб, «... менда хавотир уйғотди, бир хилликка ўрганиб қолишингиз мумкин, ўқувчини асарларингизга нисбатан беҳафсала қилиб қўймасмикансиз», деб пейзаж тасвирини камрок ишлатишни маслаҳат қилади.

XXI аср ижодкори интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши, давр муаммосини теранроқ кўра билиши шарт. Шу ўринда бадий ижод бўсағасига қадам босиб, «Музаффар тонг», «Оқ овулнинг озодаси» каби ҳикоя ва қиссалар тўплами билан адабиёт майдонига қалам чархлаб кириб улгурган, ўз мухлисларига эга бўлган Санжар Турсуновнинг ижоди бизни бефарқ қолдирмайди. Унинг қаҳрамонлари тоғликлар, ўсмир йигитлар, мўйсафид чолу кампирлар. Одамзотнинг зийнати бу – самимийлик. Санжарнинг самимият билан йўғрилган асарларини ўқиб, завқдан бошқа ҳеч қандай ҳисни туймайсан киши. Унинг «Тоғлар орасида» номли қиссаси ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Қиссада бир неча сюжет линияси бўлиб, бири иккинчисига туташиб кетади. Ўқтам йигитларга хос мардлик ва шижоатга эга бўлган журъатли қиз Алпининг ҳаётини ўзгартиришга сабабчи бўлган халқ достонлари ҳам адабиёт мевасида. Асар психологиясида пародаксал руҳ ва комик талқин устуворлик қилади. Изоҳ сифатида, кимсан тоғликларнинг олди одами Оқилбойнинг ўқимишли ўғли Олим билан отасиз, ёлғиз онаси қарамоғидаги ғайратли, кўримсиз етим қиз Алпи (Зулфия)нинг тақдир иплари туташини қаҳрамонларда ҳам, ўқувчиларда ҳам қизиқ кайфиятни юзага келтирганки, уни

шундай ифодалашга мажбурмиз. Санжарнинг бу қиссаси ҳақиқий «Тоғлар орасида» айтилган.

Санжарнинг «Қулай» ҳикоясини ўқиб, у ҳақда адабиётшунослар Исажон Султон, Абдулла Улуғов, Абдулла Чимирзаевларнинг таассуротлари билдирилган мақолалар босилиб чиқди. Ҳикояда бадиият кучли. Тасвир этилган макон Сувқайнар. Унинг «Осмон боланинг кўз ёшидай ёқимли ёмғирни заминга сочаётган бир пайт» каби ва шунга ўхшаш ташбеҳлари ўринли ва ҳикоянинг қимматини оширган.

Яна бир ижодкор Нодирабегим Иброҳимова. У бир қатор ҳикояларини матбуотда эълон қилди. Унинг «Ёмғир остида», «Тилла балдоқ» ҳикояси «Шарқ юлдузи»нинг 2016 йил 1-сонида босилиб чиқди. «Ёмғир остида» ҳикояси биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамони Жавоҳир. У севги доғида куйиб, охири вафот этади. Муаллиф қандайдир, ёмғир орқали табиат тасвирини қаҳрамон руҳиятига кўчиришга ҳаракат қилган ва ҳикоя матнида оқланаётган девор тасвири билан асарга рамзий тус бермоқчидек бўлган. «Тилла балдоқ» ҳикоясида эса Зулайҳо, Акбар, Санобар опаларнинг хурсандчилик куни тасвирланади. Зулайҳо уч йилдан бери фарзанд кутиб, мақсадига эришди. Санобар опа эса ўғил уйлантирмоқчи. Зулайҳога турмуш ўртоғи Акбар ваъдасига биноан тилла балдоқ совға қилади. Зулайҳо уни Санобар опа сотганини билиб қолиб қайтариб беради (у бу тилла балдоқни турмуш ўртоғига қўймай олдирган эди). Бунда бадиият кўринмайди. Нодирабегим шу ва шунга ўхшаш «дарак гаплар» билан нима демоқчи эканлиги очилмайди.

Ёзувчи Аслиддин Мустафоевнинг «Ёшлик журнали»нинг 1-сонида «Ёнғоқ излаб» ҳикояси эълон қилинди. Ҳикоя «Пари момо», «Иззат», «Даллол», «Меҳрнинг акси», «Ақа» каби митти сарлавҳали сюжет чизиқлари билан ҳавола этилади. Ҳикояда ижтимоий муаммоларни асарга сингдиришга уриниш сезилади. Ҳикоядаги Пари момонинг савдода « – Йўқ лекин лабз қилганман» деган иқрорини ўқиб ўзбек аёлларига хос қатъиятни ҳис қиласан киши.

«Ёшлик» журналининг 2016 йил 4-сонида Акмал Муроднинг «Уччаноқ» ҳикояси босилиб чиқди. Назаримда, ҳикоя рамзий маъно касб этгандек. «Уччаноқ – оддий кўсак эмас, муҳаббат кўсаги». Асар Омон тилидан ҳикоя қилинади. «Уччаноқ» Омон, Тоир, Гулсара тақдирининг рамзий тасвиридек туюлади. Бу ҳақида адабиётшунос Баҳодир Каримов, ёзувчи Собир Ўнар, Олим Жумабойлар ўринли фикрлар билдиришган. Баҳодир Каримов «айрим ўринларда тиниқлик етишмайди», Собир Унарнинг «бир ҳикоя мисолида ёзувчи ижодига баҳо бериш мушкул» , Олим Жумабой эса «проза тили публицистика тилидан фарқланиши керак» дейди. Бу фикрлар Акмал Муроднинг ҳали кўп ўқиши ва изланиши кераклигини англатади. Акмал Муроднинг ютуғи эса бошқа ёш ёзувчиларда учрамайдиган шева сўзларнинг изоҳ билан ёзишга уринишида.

«Ёшлик» журналининг 2016 йил 5-сонида босилиб чиққан «Наъматак» ҳикояси муаллифи Шерзод Ҳалил. Асар Толиб овчи ва Зебо ҳақидаги севги қиссасидир. Наъматакнинг гуллаши тасвири икки ёшнинг пинҳона севгиси билан ажиб бир гўзалликни тараннум этади. Бу туйғуни «ўзи одам кимнидир қаттиқ яхши кўрса, буни ҳеч қачон рўй-рост айтолмайди» дея исбот қилади. Бу ҳикояни севги деб аталмиш туйғунинг замонавий талқини десак янглишмаймиз.

«Ёшлик» журналининг 2016 йил 6-сонида босилган Биби Робия Саидованинг «Какку овози» номли ҳикояси тўй масаласи билан бошланиб, тўй жараёни билан тугайди. Асарнинг тугун ва ечими шунақа. Бир-бирига уйқаш воқеалар ривожини эса кишида жамиятда нозик ҳилқат саналмиш қизларга бўлган пок қарашларни ривожлантиради. Асарда Ҳанифа ва шунга ўхшаш қизларнинг муҳаббатдаги заволсиз камоли гўзал ифодаланган. Асар ҳақида таассурот мақолалар ҳам ёзилган. Адабиётшунос Сувон Мели, ёзувчи Масума Аҳмедова ҳамда тадқиқотчи Абдукамол Абдужалиловлар муносабат билдиришган. Ҳикоя ҳақидаги нозик қарашлари билан таассурот алмашган адабиётшунос Сувон Мели «бадий мантиқ шу даражада қатъий кучки,

хамиша ўзини намоён этади» дейди. Мунаққид «Кукку овозини» мантиқли ҳикоя деган хулосага келади.

Матбуотда ўтли ҳикоялари билан ўз ўқувчиларини топиб улгурган Жасур Кенгбоевнинг «Ёшлик» журналининг 10-сонида «Тирик товон» ҳикоясини ўқиб, номини нега шундай қўйди экан, деб ўйлаб қолдик. Ҳикоя қаҳрамони Тилов товонга ҳеч нарсани «ҳадя» қилмаганку! Ёзувчининг меҳнатини кулолнинг иши билан қиёсласа бўлади. Бири мияда пишитилган сўз билан ишласа, иккинчиси пишитилган лой билан ҳунарини кўрсатади. Ҳикоя ҳақида Абдуқаюм Йўлдошев, Гулноз Сатторова, Иброҳим Саидовлар ўз мулоҳазаларини баён этганлар. Улар ҳикоя ғоясини яхши топилдик дейишсада, асарнинг мантиғига эътироз билдиришган.

«Шарқ юлдузи»нинг 2016 йилнинг 8-сонида ёзувчи Сарвар Тўраевнинг «Зарчопон», «Кеч бўлганда» ҳикоялари чоп этилди. Зарчопон яхши топилган детал. Муаллиф бу деталь орқали бугунги ёшлар дунёкарашида ота-онанинг ҳурматини жойига қўймаган, уларнинг умри давомида мисқоллаб йиққан обрўсини ўткинчи «амал» орқали йўққа чиқарган ноқобил фарзанд портретини чизади. Асарнинг баъзи ўринларида сўз қўллаш билан боғлиқ мантиқий хатолар учрайди. «овоз солиб, борлиқ зулматнинг қоқ ўртасига томон шошади» каби фикрлар ёмғирдан кейин нур сочган қуёшдек порлаб турган ҳикоянинг жилосини сусайтиради. Муаллиф асар қаҳрамони Баротни онгсиз айиқ билан қиёслайди. Бу қиёс орқали отасининг жанозасига етиб келолмаган амалдор Баротга нисбатан нафратимиз ортиб кетади. Ҳикоя қаҳрамонлари олқиш ёки нафратимизга лойиқ экан, демак, у муаллифнинг маҳоратидан дарак беради. Кейинги «Кеч бўлганда» ҳикоясида эса, ўз ерини қўйиб ўзга юртлардан пул ахтарган ва бу дунёда қайта топилмас, биринчи бахти ва оиласини бой берган бахтсиз ҳамда пулсиз йигит тасвирланади. Бундан ташқари, Сарвар ҳикоя ичига ҳикояни шундай маҳорат билан жойлайдики, моҳият ярқ этиб кўриниб кетади. Санжарнинг бу икки ҳикоясини ҳам бугунги маиший ҳаётдаги долзарб мавзулардан деса бўлади.

Журналнинг шу сонида Гулноз Мамарасулованинг «Камаз» ҳикояси ҳам чиққан. Гулноз бу ҳикоясида замон нуқтаи назаридан икки аср – XX аср ва бугунни қиёсий таҳлилга тортади. Асар моҳиятида бугунги кунга шукроналик ҳисси уфуриб турибди. Муаллиф бу ҳикояси орқали «бир кўрган таниш, икки кўрган билиш» қабилидаги оқибатлилик концепциясини камазчига юклайди ва буни маҳорат билан удалайди. Асарнинг ютуғи ўқишдаги қизини интиқ кутаётган Хурсанд момонинг руҳиятини табиат тасвири орқали уйғунликда ифодалайдики, бу асарнинг бадииятини кучайтирган. Мана ўша тасвир: «Аёзнинг қаҳрига дош беролмаган ...лой деворлар қулаган, дарахтлар ғариб бир аҳволга тушган маҳал эди». Бу тасвирлар ҳикоянинг ўқимишли бўлишини таъминлаган.

Бугунги адабий жараёнда филолог талабалардан адабий мунаққид тарбиялаб етиштиришнинг амалий-назарий муаммолари ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд. Бу вазиятдан чиқишнинг бир йўли – ҳамма бирдек матбуотдаги адабий жараённи кузатсин. Халқда “чин олимнинг ёстиғи тошдан яралган” деган гап юради. Шу ўринда, ёш мунаққидларга қарата, ғафлат уйқусидан уйғонинг, дея оламиз холос. Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, Санжар Турсунов ўз асарларида аввало персонажлар нутқи, қолаверса, уларни китобхонларга тўлақонлироқ тасвирлаш мақсадида муаллиф нутқи орқали бериладиган изоҳларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Миллийликни белгиловчи омилларнинг зоҳирий ва ботиний кўринишлари ҳақида тўхталиб ўтдик. “Маълумки, зоҳирийлик бу шаклдир. Шакл эса ҳеч қачон масала моҳиятини белгиламайди. У белгилашга хизмат қиладиган воситадир. Миллийлик, биринчи навбатда, руҳиятда ўз мужассамини топади. Миллийликни белгилайдиган бошқа хусусиятларнинг барчаси унга боғлиқ ва ундан келиб чиқади. Руҳият эса инсоннинг табиатини ва ўзлигини белгилайдиган илоҳий куч, маънавий озиқдир. Руҳияти кучли одам ўз қиёфасидан, ўз йўлидан, яъни, тўғри йўлдан тоймайди, эътиқодидан воз кечмайди”.

Кўп манбаларда қайд қилинган, таъкидланган миллатимизга хос хусусиятлар – жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги, оила, маҳалла-қўй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътиборнинг кучлилиги, она тилига муҳаббат, каттага ҳурмат ва кичикка иззат; аёл зотига эҳтиром, сабр-бардош ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат (Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 йил, 49-бет). Бу хусусиятларнинг барчаси миллий руҳиятнинг маҳсулидир. Чунки мазкур инсоний фазилатлар инсон жисмидан эмас, туйғусидан келиб чиқади. Истиқлол даври адабиётининг қаҳрамони мана шу хусусиятга эга бўлиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амини А. Шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқидаги деҳқончиликка оид ҳаракат феълларини ифодаловчи бирликлар //Фан, таълим ва амалиётнинг интеграцияси илмий-методик журнали, 2023. – №4.1. – Б. 9-15.
2. Бўриев Ж. Ёзувчи Эркин Аъзамнинг оғзаки нутққа хос лексик ва грамматик воситалардан услубий фойдаланиш маҳорати //Eurasian Journal of Academic Research, 2022. – № 2.1. – P. 169-174.
3. Назаров З. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида ўзлашган қатлам сўзларнинг қўлланилиши //Eurasian Journal of Academic Research, 2022. – Т. 2. – №. 13. – P. 840-844.
4. Суванов Ҳ. "Эшмонбек" қиссасида миллий руҳ талқини. //Барқарорлик ва етакчи тадқиқотлар онлайн илмий журнали, 2022, – №2. – Б. 126-131.
5. Бегматова Г.Ҳ. The problematic aspects of the formation the base of idioms in the national corpus of uzbek language // Sciyentific Bulletin of Namangan State Universit 1.7 (2019): 215-219.